

Шундай одамлар бор бўлсин БЕҒАРАЗ ЁРДАМ САХОВАТЛИ ЮРАҚДАН ЧИҚАДИ

Ховос туманидаги «Шарқбод» қишлоғида жойлашган 3-мактаб биносининг шифти тунда қулаб тушди. Эртаси куни туман ҳокимияти ва халқ таълими бўлимида вакиллар келишиб, воқеани ўрганиб чиқишди, имкон даражасида ёрдам кўрсатишди. Туман халқ таълими бўлимининг мудири Назоат Эрматова ҳам қишлоқларига мурожаат қилиб, мактабга оталик ёрдами зарурлигини, ақс ҳолда ўқувчилар қўйналиб қолишларини таъкидлади.

Уша қуларнинг бирида мактабга Қурбон Хушвақтов қириб келди-да, шундай деди: «Мана, 30 минг сўм нақд пул. Уйимда ёғоч, тахта, фанерлар бор. 100 минг кетамини, ундан кўпроқни, бемалол олиб ишлатаверинглар. Сира тортинманглар. Уйдагиларга тайинлаб қўйганман...»

Мактабда 195 нафар ўқувчи бор. Қиш-

лоқда эса 150 га яқин оила истиқомат қилади. Қисқа вақт ичида шикастланган жой тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳаммаси изга тушиб кетди. Дарвоқе, Қурбон Хушвақтовнинг ўзи ким? Унинг асл касби хайдовчилик. Ҳар йили оила аъзолари билан ҳўжалиқдан ер олиб, деҳқончилик қилади. Биз уни кўрмаганмиз. Мактаб ўқитувчиларининг гапига қараганда, Хушвақтов ҳар қанча саховатли бўлмасин, мактовни хуш кўрмас эмис.

Мана шундай қўли очик, камтар одамлар ҳақида эшитганимизда кўраганимиз майин бир шабада теккандек, ажиб роҳатдан бошинг айланиб кетади. Ва юрагининг тўридан «Саховатли одамлар бор бўлсин», деган савимий бир тиллак тилинганга қалқиб чиқади.

А.ХОНИМҚУЛОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРКОРНИНГ ОРЗУСИ



Элиқаллалик тадбиркор Худоберган Ҳожиёвнинг бир орзуси бор эди. У ҳам бўлса, сўт маҳсулотларини қайта ишлайдиган бир цех қурса-ю, овозаси олис-олисларга кетса...

Интижасига омад ёр, деб бежиза айтишмаган экан: янги цех ҳам ишга тушди. Мухими, айтиш пайтида ёрда тайёрланган 9 хилдаги сўт маҳсулотлари харидорларга маълум тушаётгани рост.

Тадбиркор эса яна орзу қилапти. У мўлжаллаётган нон маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда бичиш-тиқиш цехлари фаолият кўрсата бошласа, тумандаги яна 100 нафар йигит-қиз иш билан таъминланаркан. Бу ишда тадбиркорга омад ёр бўлсин. Зеро, элда бир гап юрадики: «Яхши ният ушалмасдан қолмас».

СУРАТДА: тадбиркор Худоберган Ҳожиёв илгичи Раъшан Бозоров билан.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўн йиллиги катта байрамга, эзгулик ва боқийлик тантанасига айланган. Тил байрамга бағишланган тадбирлар довом этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббиёт билим юртида ҳам «Тилга эътибор — элга эътибор» мавзuida байрам тантанаси бўлиб ўтди. Унда талабалар ўзларининг ўшқин ва шерьлари билан кечога ўзгача руҳ бағишлашди.

— Билим юртида талабалар ҳамширалари касбини эгаллашди, — деди тадбир ташкилотчиси, олий

тоифали тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Шаҳло Ғаниева. — Лекин адабиётга, шеърятга ихлосманд талабаларимиз кўп. Эътибор берган бўлсангиз, қизларимиз инглиз, француз, немис ва ҳатто хитой тилида тенгдошларини табриклашди. Ҳамширалар нафақат тиббий билимлари, балки ширин сўзлари билан ҳам беморларни доволайди. Тил билган дил билди, деб беҳуда айтишмаган.

Санъатшунослик институтининг талабалари ўз куй-қўшиқлари, санъатлари билан кечани файзиб этдилар.

Раҳмон АЛИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 1999 йил 31 августдан 30 сентябргача бўлган маълумот):

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Депозитарий фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисида низоми. ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган ҳамда Марказий давлат архиви билан келишилган.

1999 йил 31 августда 809-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

2. «Ўзбекнефтегаз» миллий-холдинг компаниясининг корхона ва ташкилотлари ҳисобварақларидан маблағларнинг тўловлари навбати ҳамда Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳўжалик ҳисобидига «Бошкоммуналгаз» Бош бошқармаси газ ҳўжалиқлари бошқармаларининг «Ўзбекнефтегаз» миллий-холдинг компанияси «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниялари билан етказиб берилган табиий газ учун ҳисоб-китобларнинг вақтинчалик тартибига 1-сонли қўшимча. ЎзР Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекнефтегаз» миллий-холдинг компанияси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан тасдиқланган.

1999 йил 31 августда 747-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

3. Аудитнинг миллий стандарти №4. «Мижоз фаолияти (бизнеси) билан таништириш». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 3 сентябрда 810-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

4. Аудитнинг миллий стандарти №5. «Аудитор иши сифатини назорат қилиш». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 3 сентябрда 811-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

5. Аудитнинг миллий стандарти №6. «Аудитни ҳужжатлаштириш». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 3 сентябрда 812-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

6. Аудитнинг миллий стандарти №9. «Мухимлик ва аудиторнинг таваққалчилик». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 3 сентябрда 813-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

7. Аудитнинг миллий стандарти №13. «Тахлилий тадбирлар». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 3 сентябрда 814-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

8. Аудитнинг миллий стандарти №14. «Аудиторлик танлаш». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 3 сентябрда 815-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

9. Аудитнинг миллий стандарти №16. «Эксперт ишдан фойдаланиш». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 3 сентябрда 816-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

10. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинаётган маҳсулотлар сертификат тўғрисидаги низомига 1-сонли қўшимча. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 8 сентябрда 209-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

11. Импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўйилган қиймат солиғи суммаларини ҳисобга олиш тартибини тушунтириш. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 13 сентябрда 817-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

12. Марказий банкнинг республика бюджетни режаласи ҳаражатларини молиялаш учун мақсадли қисқа муддатли кредитларидан аниқ мақсадли молиялаш схемаси бўйича фойдаланиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомига 1-сонли қўшимча. ЎзР Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 14 сентябрда 806-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

13. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида пахта толасини сотганда акция солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш тартибига 1-сонли ўзгариш ва қўшимчалар. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 14 сентябрда 818-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

14. Реймпорт божхона режими тўғрисида низоми. ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 14 сентябрда 819-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

15. Шўртан газ-ҳимё комплексининг қурилишида солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 14 сентябрда 819-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

16. Қимматли қўғозлар бозорида манипуляциянинг олдини олиш қоидалари. ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган.

1999 йил 21 сентябрда 820-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

17. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли қўшимча. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 23 сентябрда 401-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

18. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қилинадиган, шунингдек олиб чиқиладиган алоҳида турдаги товарлар учун акция солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 23 сентябрда 821-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

19. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қилинадиган, шунингдек олиб чиқиладиган алоҳида турдаги товарлар учун акция солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 23 сентябрда 821-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

тидан ўтказилди. 19. Аудитнинг миллий стандарти. «Молия ҳисоботи таркибиди бошқа маълумот». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 23 сентябрда 822-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

20. Аудитнинг миллий стандарти. «Компьютерда ишланган маълумотлар (КИМ)нинг аудити». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

1999 йил 23 сентябрда 823-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

21. Ўзбекистон Республикасида хорижий юридик шахсларнинг даромадларига (фойдасига) солиқ солиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли қўшимча. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 28 сентябрда 498-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

22. Солиқ тўловчилар ҳисоботлари ва балансларини қабул қилишнинг вақтинчалик тартиби. ЎзР Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 28 сентябрда 824-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

23. Эркин сотиш ва хорижий инвесторларга мўлжалланган акцияларни сотишдан олдинги пул маблағларини «Оҳангарончент» ва «Кизилқумчент» акциядорлик уюшмаларига бериш, фойдаланиш ва қайтариш тартиби. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Давлат мулки қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси билан келишилган.

1999 йил 28 сентябрда 825-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

24. Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиннадиган дон ва гуруч-шўлига жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоблар учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун нон маҳсулотлари корхоналарининг дон, ун ва гуруч-шўлини сотишдан тушадиган маблағларини тўлаш тартибига 1-сонли ўзгариш ва қўшимчалар. ЎзР Молия вазирлиги, Марказий банк томонидан тасдиқланган ҳамда «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик компанияси билан келишилган.

1999 йил 30 сентябрда 653-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

25. Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда қўйилган қиймат солиғи бўйича нол даражали ставкани қўллаш тартиби. ЎзР Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

1999 йил 30 сентябрда 826-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

26. Божхона тўловларини тўлаш муддатини кечиктириш ва уларни бўлиб-бўлиб тўлашга имкон бериш бўйича йўриқномага 2-сонли қўшимча. ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳамда Молия вазирлиги ва Марказий банк билан келишилган.

1999 йил 30 сентябрда 697-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, қўлга қиради. Айрим ҳолларда меъёрий ҳужжатларни қўлга қиритиш учун қонунчиликда белгиланган бошқа қоидалар ҳам бажарилиши лозим (матбуотда чоп этиш ва бошқалар).

II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:

1. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қилинадиган, шунингдек, олиб чиқиладиган алоҳида турдаги товарлар учун акция солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ва 1-сонли қўшимча. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.

1999 йил 23 сентябрдан чиқарилди (1997 йил 27 февралда 310-сон, 1997 йил 7 апрелда 310-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Маъкур меъёрий ҳужжатлар янги меъёрий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг марказий эксперт-техсирув комиссияси (МЭТК) тўғрисида низоми. ЎзР МВ ҳузуридаги «Ўзбошархив» томонидан тасдиқланган.

Ушбу ҳужжат умумий мажбурий тусга эга эмас (яъни ички идоравий тусдаги ҳужжат). Шунинг учун у ушбу идора томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиб, қўлга қиритилиши мумкин. Ички идоравий ҳужжатлар идоравий муносабатлар чегарасидан ташқарига чиқувчи муносабатларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмағлиги лозим.

IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш род этилди:

1. Ишончли вакил тўғрисида низоми. ЎзР Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, ассоциациялар ва компанияларнинг доимий амал қилувчи марказий эксперт комиссияси (МЭК) тўғрисида намунавий низоми. ЎзР МВ ҳузуридаги «Ўзбошархив» томонидан тасдиқланган.

3. Мулкчилик шаклларида қатъий назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг доимий амал қилувчи эксперт комиссияси тўғрисида намунавий низоми. ЎзР МВ ҳузуридаги «Ўзбошархив» томонидан тасдиқланган.

4. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмитага ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби. ЎзР Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий но-

чор корхоналар ишлари бўйича қўмита томонидан тақдим этилган.

5. Аудитнинг миллий стандарти. «Аудиторлик ташкилотининг аудит ўтказишга розилик мажбурий хати». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

6. Аудитнинг миллий стандарти. «Аудитни режалаштириш». ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

7. Дори-дармон воситалари ва тиббиётда фойдаланиладиган буюмларни сотишда савдо устамаларини қўллаш тартибига 1-сонли қўшимча. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

8. Суғурта ташкилотларининг эҳтиётдан қилинадиган тадбирларни молиялашга маблағлар ажратиш тартиби тўғрисида тушунтириш. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

9. Дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналарни назорат қилиш қоидалари. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.

10. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридидаги устулик вазиятини аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар. ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан қайтариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

11. Бош бухгалтерлар тўғрисида низоми. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

12. Меҳнат органларида бўш иш жойлар (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида маълумот ва келгусида овоз қилинадиган ишчилар ҳақида ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисида низоми. ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.

13. Болалар ва ўсимирлар диспансер кузатувини ахшиллаш ва уларнинг соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни тартибга солиш тўғрисида буйруқ. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.

14. Турар жойларнинг турар жой бўлмаган хоналари ва подвалларидан умумий фойдаланиш бўйича тавсиялар. ЎзР «Давархитектурилиш» томонидан тақдим этилган.

15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига банклар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларни ўрта ва узоқ муддатли кредитлашни ташкил этиш тартиби тўғрисида низоми. ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фойдаланиладиган дори воситаларининг давлат сифат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.

17. Дорихона ва даволаш муассасаларига келиб тушадиган дори воситаларининг сифат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.

18. Ўзбекистон Республикаси банкларининг архивларида иш юритиш қоидалари. ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.

19. Даволаш-профилактика муассасаларида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик экспертизаси тўғрисида низоми. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.

20. Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари (касалик варақалари) ва маълумотномалар бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.

21. Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорт корхоналари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги томонидан тақдим этилган.

22. «Ўзбекавтогаз» ҳудудий бошқармаси автомобил газ тўлдирувчи компрессор станцияларида (АТКС) автомобилларга сикланган табиий газ (СТГ) қўйиш бўйича тартиб. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги томонидан тақдим этилган.

23. Жисмоний шахсларга (аудиторларга) аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга ҳуқуқ берувчи лицензиялар бериш тўғрисида низоми. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

24. Кичик ва хусусий тадбиркорликка кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи корхона ва ташкилотларга солиқ имтиёзларини таъбиқ этиш тўғрисида хат. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайдими. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг ҳуқуқсозари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

V. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

ХАБИБ САЪДУЛЛА Ўзбекистон халқ шоири ВАТАНГА ТАЪЗИМ

Эй, Ватан, тавзим сенга
Берган тузу нонинг учун,
Оташнинг меҳрини кўзиб
Бахш айлаган жонинг учун,
Қўларим мардумига
Жо бозу бўстонинг учун,
Дил уйим равшанилиги
Пок кўри имонинг учун,
Файли бағринида уйиб
Ўсмоққа имконинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Хар битта фармонинг учун.

Сенки ҳар фарзандица
Мунис, жафокан оғасан,
Меҳрибон ўғонларинг
Соҳибидан қонасан,
Ким улар сехри билан
Жаннат мисол афсонасан,
Шула сабаб доим ганим
Байқорилгандан ёнасан
Нима чекинган ёнга ёр
Байқорилгандан ёнасан
Бир эмас, минг жон фидо
Хар битта фармонинг учун.

Нур билан йўракларинг
Ёдинг дилимга зўр қароғ,
Кўз очиб бағринида бокдим
Тортди меҳрим бозу роғ,
Хар нафасдан соф ҳаво,
Гул хуш ҳидин туйғач дилмоғ,
Бир умр поклик, гўзал
Халқаро бердинг иштиёқ,
Жонинг тиксам арзигай
Шула лутфи эҳсонинг учун
Бир эмас, минг жон фидо
Хар битта фармонинг учун.

Тарихинг бир бобидан
Жисмин аро оғриқ турур,
Бошқа бобидан эса
Дил муқаддас тўлаётган турур,
Еларинг кўксинг элиб
Зулматга қўйса неча кўр,
Сен заҳомат бобидан

Сочинг бари оламга нур,
Ким башар таҳсин ўқар
Илм ичра шаън-шонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Хар битта фармонинг учун.

Авалло тўйган эдим
Пок талвонингдан ифтихор,
Бора-бора илминг
Соф санъатингдан ифтихор,
Алп Жалолидин, Телмур —
Шон-шаъкатингдан ифтихор,
Дилда Истиқлол сабаб
Хўр давлатингдан ифтихор,
Боз гурурим беадаб
Шула давру давронинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Хар битта фармонинг учун.

Кун-бақун сен кўрж очиб
Оламни қилган маҳиё,
Ўст хавас бирла бокур,
Ўлар ганим минг бир рўй,
Ит хўрар, қарвон ўтар,
Қарвон ўларингдан пурғиё,
Чуқки Карвонинг жасур,
Қўнғида эзу мўддоо,
Хам зафарга ошно
Хар лаҳза ошнинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Хар битта фармонинг учун.

Пойинга чўққан эдим,
Сен даст кўтарданг
кафтинига,
Бир аёз муқаддас лек
Сен чўлаб олдиган тафтинига,
Ўқур эрурман эй Ватан,
Асқур даромд, савитинга,
Қўларим берай мадаб
Шондаси аҳду заппинига,
Рози бўла шоир деган
Ардоқини эшонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Хар битта фармонинг учун.



Пойтахтимиздаги «Юнусов» спорт мажмуида ўтаётган бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг ярим финал мусобақалари низоҳасига етди. Бир ҳафта давом этган мurosасиз жанглардан сўнг Осиё чемпионлиги учун рингга чиқадиган спортчилар аниқланди.

Ўзбекистонлик боксчилар — Руслан Чагаев, Алишер Раҳимов, Дилшод Йўлдошев, Тўқибой Турғунов, Муҳаммадодир Абдуллаев, Сергей Михайлов, Рустам Саидов финалга йўланмани қўлга киритди.



РИНГГА ҒОЛИБЛАР ЧИҚАДИ

лар. Шунингдек, мусобақага пухта тайёргарлик билан келган Қозғистон, Таиланд, Корея, Хитой, Қирғизистон, Филиппин вакиллари ҳам финалда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Чемпионатнинг финал мусобақаларига бир кунлик та-наффусдан сўнг бутун яна старт берилди.

Фарҳод УСМОНОВ,
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар)
«Халқ сўзи» мухбирлари.



Янги нашлашлар КИТОБДАН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

Бир кўришда севиб ва севилиб қолиш мумкинми? Бу туйғу шоҳ-гадога бараварми? Баъзилар бу — арсона, эртақлардагина шундай бўлиши мумкин, дейишади...

Кутимлага пайдо бўлган туйғу киши борлигига ҳоқими мутлақ бўлиб олади, инон-ихтиёрини ўғирлайди, дейди-лар. Ҳа, ахтирсиз муҳаббат ўз оғушига олган кишилар тенгсиз бахтли ҳам, бахти қаро ҳам бўлишлари мумкин. Лекин шунга қарамай инсон борки, унинг кўнглида эзу ораб яшайверади, яшайверади...

Ушбу сатрлар янгидагина чоп этилган гўзал муқовали китобдан олинди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Сулаймоновнинг «Шаҳзода ва канизак» номида китобини нашрдан чиқарди. Асардан устоз қаламкашнинг «Шаҳзода ва канизак», «Олатой» кинесалари, «Тўқилмаган ҳук-ялар»и, шунингдек «Журналист ён дафтаридан» рукнида берилган муъжаз мақолалари ўрин олган.

Ишонимизки, ушбу китоб мутлоаси сизни фикрлашга чорлайди, ҳаммаша ва ҳар доим бегараз ҳамроҳингиз бўлиб қолади.

А. ЖҲРАЕВ.

АКСЕЛС

«Эдмунд С. Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш» Дастури
Олий ўқув юртлирини битирганлар ва дипломи мутахассислар учун
АҚШ аспирантураларида ўқиш имконияти - 2000

ЮСИА - АҚШ Ахборот агентлиги ва Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши 2000/2001 ўқув йили учун «Эдмунд С. Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш» Дастурини эълон қилади. Ушбу дастурда МДХ фуқароларига АҚШда бир ёки икки йил ўқиш имконияти тақдим этилади.

Ўқиш соҳалари:

бизнесни бошқариш,
таълимин бошқариш,
атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш,
иқтисодий,

таълимин бошқариш,
халқаро муносабатлар,
журналистика,
ҳуқуқ,
кутубхона ва ахборот фаолияти,
давлат ва жамият бошқаруви,
соғлиқни сақлашни бошқариш
ва ижтимоий сиёсат.

Дастурда

—Ўзбекистон фуқароси бўлган;
—ариза бериш жараёнида ёши 40 дан ошмаган;
—ҳужжатлар берилиши ва таллов жараёни олиб борилиши вақтида 15 қатнашчи давлатлардан бирида яшаватган;
—олий маълумотга эга ёки 2000 йилнинг июл ойигача олий ўқув юрти битирадиган талабалар. Ҳуқуқ ихтисоси бўйича мурожаат этиш учун қатнашчининг ҳуқуқдан дипломи бўлиши шарт;
—ҳужжатларини топириш пайтида инглиз тилини ёзма ва оғзаки бемалол биладиган;
—ихтисос соҳасида мутахассислик қобилияти ва пешкадам салоҳиятини намоён этиш олаётган;
—ўқиниш 2000 йил эйдан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичига ўтганлар ўқиш бошланишини кечиктириш ҳуқуқига эга эмаслар;
—АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мумкин;
—дастури тугатгандан кейин, ўз ватанига қайтишни режалаштирган.

«Эдмунд С. Маски/Озодликни қўллаб-қувватлаш» Дастурида қатнашчилар ирки, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳоли ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланмайди.

Тўлдирилган мурожаатномалар керакли ҳужжатлар билан бирга 1999 йил 12 ноябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.
Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин: Тошкент (371) 152 21 81(86), Самарқанд (3662) 35 02 74, Нукус (361) 222 89 57, Наманган (36922) 6 27 50, Бухоро Ахборот ва маданият маркази, (365) 224 22 46
E-mail: accels@actr.bcc.com.uz



Еднома ХУНАРГА ҚАСИДА

Машҳур ёғоч ўймакор устозода
Қодиржон ҲАЙДАРОВНИНГ 100 йиллигига

Ёғоч ўймакорлиги санъати бошқа амалий санъат турлари сингари узок тарихга, ижодий мубоҳасаларга мавзу бўларли нурли йўлга ва узига хос ўринга эга. Халқ даҳоси яратган санъатнинг бу тури ўзгача нафосати, мураккаб йўллари билан киши ақлини лол қолдириши, уй ва биноларга алоҳида кўр, салобат бағиш-лаши билан қимматлидир.

Бу санъатнинг давримиз-даги атоқли намоёнлари уста Қодир Ҳайдаровдир. Шаҳри-сабзлик машҳур наққош уста Нажмиддиннинг ўғли уста Ҳайдар даслаб Тошкентга, кейин Қўқонга кўчиб келади ва шу ерда турғун бўлиб қолади. Қўқонда Паранг тахаллу-сини олган уста Ҳайдар Қо-дир исми фарзанд қўлади ва ўғли буй кўрсата бошла-ган, унга ота ўз касбини ўргата бошлайди.

Бошланишида отаси Ҳай-дар Паранг билан қўқонга иморатлари бешаша қатна-ди. Москвада ва бошқа кўрғазмаларда ота-бола ўз асарлари билан иштирок эт-ганлар. 1919-1920 йилларда отаси билан Қўқонда ташиқил этилган «Намуна мактаби»да ёғоч ўймакорлиги сингари билан 1924-1928 йилларда мактаб-ларда амалий машғулотлар ўтказиб, муаллимликни давом эттириди. Ўз касб маҳорати ва ижоди ҳамда унга хос бил-мин бериш услубларини та-комиллаштириб борган уста Қодиржон ёшларга ёғоч ўйма-корлигининг мураккаб сингари ўргатишда тинмай меҳ-нат қилиб ва тезда кўпчили-ка меҳрибон, юксак савияли устоз сифатида танилди. Қўқонлик халқ устаси ва мо-хир педагог «Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлди. Қодиржон Ҳайдаров ёшлар-га нақш чизиш ва ўйиш сингари ўргатиш билан бир-галда, ўз ижодий ишлари билан бир қанча кўрғазмаларда ҳамда жамоат, маъмурий, ма-даний иншоотларни бешашада фаол қатнашиб келган. 1961 йилдан Қўқонда Ўзбекистон Бадий фонднинг устакона-сида ва «Усто» бирлашмасида ишлади. Уста ҳаёда бўлмасин, ёшларнинг билими, ҳунари, жамият учун фойдали инсон бўлиб етиштирилиши йўлида қўқондан келганча хизмат қил-ди. Устоз ўзидаги мана шу улғувор фазилатларини синг-дирган Мансур Жалилов, Аб-дуган Абдуллаев, Набижон Хушназаров, Бўрхон Абдулла-ев, Улғубек Умаров, Ойил Жа-лолов, Рафиқ Маҳмудов, Иб-роҳим Солиқов, Мурод Абдул-лаев, Гуломқодир Абдуллаев каби шоғирларни ҳамда наби-ралари Ҳасан ва Мирқосим Ума-ровлар аз-лур ҳурматини қозо-ниб келмоқдалар. Айти кезлар-да устанинг шоғирларидан Мансуржон, Қосфужон, Абду-ганилар ёғоч ўймакор устаси деган юксак мавқега мушарраф бўлганлар. Бу устозлар Қодир-жон отанинг санъатини анча мукаммал ўзлаштириб олиш-ган. Эл эътиборини қозонган уста ҳозирги Ўзбекистон тари-хи давлат музей биноси учун урта ўймакор нақшли эшик ижод қилган. Нақшли ёғоч эшик музей архитектурасига ҳам мос тушган ва унга яна ҳам чирой бағишлаган.

Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» саройида эшик ва намоёнлари ясаган, Тошкент-даги «Юбилей» спорт саройи учун ўн тўрт квадрат метри ланта панно, Самарқанддаги

«Самарқанд», Бухородаги «Бу-хоро» меҳмонхоналари учун ҳар бирига 20 квадрат метри тавақа пардозли намоён, Тош-кентдаги цирк биноси учун панжаралар ясаб, меъморчи-лик бадий сайқалига мўна-сиб ҳисса қўшган. Симбирск-даги «Халқ дўстлиги» номи бонинг Ўзбекистон учун аж-ратилган қисмида қўрилган Шарқ услубидagi шийпон учун саккизта нақшли усту ва шийпон атрофига шарафа ишлаб берган.

Уста булардан ташқари кит-об қўйиб ўқиш учун икки, тўрт ва олти қаватли лавҳа-лар, ҳар хил ўлчамдаги қалам-донлар, пардоз қўтичалари, хонтахта ва курсичалар ясаб қўқонга кўрғазмаларда қат-нашган. Горький шаҳридаги музейда сақланган хонтахта ва курсичаларнинг нусха-сини Симбирск, Москва, Тош-кент тарих музейларига ва бир нусхасини Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисига тақдим этган.

Ўзининг сермазун умри давомида юздан зиёд нафис бадий буюмларни ажойиб нақшлар билан безатган. Улар ўзбек халқ амалий санъати-нинг намуналари сифатида бир неча марта халқаро кўрғазмаларда намоён қилинган. Қўли гул устанинг оддий ёғоч сайқал берган қўнғидаги сехри санъат дўно-налари баргачи ҳажонга солиб, қўйил қолдириб келмоқда.

Оллоҳ инсонга берган яра-тувчилик қобилиятига Қодир-жон Ҳайдаров ўз меҳнати билан қасида битиб кетган, де-сак бўлади.

Ш. ШОҒЎБОВ,
«Мусафир» ИИЧМ Бош директори.

ЗАМОНАВИЙ УРОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Нусхаси иш бошлаган ушбу тиббиёт маскани энг сунъий таъхис ҳамда даво-лаш асбоб-ускуналари билан жи-ҳозланган. Халқаро Оролни қў-қариш жамғармасининг Қорақал-погистон бўлими ушбу жиҳоз-ларни хориждан харид қилиб,

янги шифохонага тортиқ этди. Бу хайрия мақсади учун 3 миллион АҚШ доллари миқдорига мабғав сарфланди.

—Худудимизда юзга келган экологик вазият шифокорлар ол-дига масъулиятли вазифаларни қўймоқда, — дейди Қорақалпо-

гистон соғлиқни сақлаш вазири Д. Бабажанов. — Янги марказ бу вазифаларни оқилона ҳал қилишда ўз ўрнига эга бўлади, албатта.

Янгибоб КҲҲҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб —
«Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИННИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбо-
сари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲОДИЙ,
И. ХУДОЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбо-
сари — «Народное слово»),
Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —
133-57-34;
Ҳуқуқ —
136-07-94;
Иқтисодий —
136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги —
136-37-85;
Маънавият ва маърифат —
136-35-60, 132-10-65;
Хатлар —
136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий масалалар —
132-12-08;
Халқаро ҳаёт —
132-11-15;
Котибият —
133-10-28;
Эълонлар —
136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0820,
23276 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қороз бичими А—2

Газета РЕНТИУМ-П
компьютерда терияли
ҳамда операторлар
С. ЛУКИН
ва Ж. ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб —
Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир —
Н. ТОШЕВ.
Навбатчи —
Ғ. ШЕРМУҲАММАД.
Мусахҳиш —
Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми
5 қоғоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
топишлари — 22.45
1 2 3 4 5 6

Сурхон аджанта фарма лимитед ФИГУРИН

хушқомат бўлиш учун
ўсимлик капсулалари



СТАМИНА

Куч-қувватни
тиклайди



Капсулаларни ҳар кун қабул қилиб
турсангиз, терингизда
губор қолмайди, кўрган
кўзни қувонтирадиган
даражада тиниклашади
ва мулоим тартади.

БЬЮТИ ПЛЮС

Сизнинг боқиралигингиз
ва латофатингиз

Шаҳар
дорихоналаридан
сўранг

ТРИМОЛ



бош оғриғи ва тандадаги
орикларни қолдиради

АПКОСУЛ



гепатит
ва ичкиликдан
хасталанган
жигарга химия
воситаси

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС

Бардам ва тетик
бўлишингиз учун

